

РЕКЛАМА

Your advisor's **MOTIVATION** should never be in question[DOWNLOAD OUR WHITE PAPER](#)WILMINGTON
TRUST

БМТ Ўзбек ҳукуматидан Тожибоева иши бўйича терговни талаб қилди

8 Октябр 2015

Баҳам кўринг



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Мўътабар Тожибоеванинг қийноққа солингани ишини кўриб чиқиб Ўзбекистон ҳукуматидан айбдорларни жавобгарликка тортишга чақирган.

Ўзбекистонлик таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, "Ўтюрраклар клуби" раҳбари Мўътабар Тожибоева ўз ихтиёрига қарши стерилизация қилингани, шафқатсиз қийноқларга тутилгани юзасидан Ўзбекистон ҳукуматига қарши шикоят билан мурожаат қилган.

Тожибоева хоним ишини кўриб чиққан БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси қатор ҳуқуқ поймол этилиши ҳолатлари юз берган, деган қарорга келган.

Ва халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган Ўзбекистон ҳукуматидан Мўътабар Тожибоева иши юзасидан жиноят иши қўзғатишга ҳамда айбдорларни жавобгарликка тортишга чақирган.

"Келишувнинг 2-банди, 3-хатбошисига мувофиқ, Қўмита ўйлайдики, Давлат тарафи шикоят муаллифига нисбатан самарали чора кўриш, шу жумладан, қийноқ ва ноинсоний муомала даъволари юзасидан холис, самарали ва муфассал тергов ўтказиш ва бунга жавобгарларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш; муаллифга муносиб товон пули бериш мажбурияти остидадир. Шунингдек, Давлат тарафи келажакда бунга ўхшаш зўравонликлар юз бериши олдини олиш чораларини кўриш мажбурияти остидадир", дейилади БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси қарорида.

БМТ қўмитаси Мўътабар Тожибоева ватанида фаолият юритган 2002-2009 йиллари Ўзбек расмийлари томонидан таҳқирлашлар ва зўравонлик ва қийноқлар кампанияси қурбонига айланган деб ҳисоблайди.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси қарори Мўътабар Тожибоева Ўзбекистонда ҳибсга олинганига 10 йил тўлган кунда эълон қилинган.

Тожибоева хоним 2005 йилдан 2008 йилгача тутқунликда сақланган.

У ўзининг аёллар қамоқхонаси нозирлари томонидан калтаклангани, жинсий зўрлангани, беҳуш ҳолатида бўлган пайтида бачадони олиб ташлангани, қиш кунда бир кўйлақда қақшатқич аёзда тутиб турилгани ва ўзини ўлдиришга мажбурлангани ҳолатларини ўз шикоятига киритган.

2009 йилда Ўзбекистонни тарк этганидан кейин инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш "Ўтюрраклар клуби" ташкилоти фаолиятини Париж шаҳридан юритиб келади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари вазиятини танқид қилган, инсон ҳақлари фаоллари, хусусан, аёл фаолларга кўрсатилаётган муносабатни ўзгартиришга чақирган.

Би-би-си Ўзбек хизмати билан Whatsapp, Telegram ва Viber орқали боғланишни истасангиз, телефонимиз: +44 78-58-86-00-02.

Instagram – BBC UZBEK

Twitter – BBC UZBEK

Odnoklassniki – BBC UZBEK

Facebook- BBC UZBEK

Google+ BBC UZBEK

YouTube - BBCUZBEK (<https://www.youtube.com/user/bbcuzbek>)

Skype - bbcuzbekradio

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



▲ Топга қайтиш

Бу мавзуда батафсилроқ

Мўътабар Тожибоева Ўзбекистон ҳукумати устидан БМТга шикоят қилмоқда

Мустақиллик йилларининг “қатағон қурбонларини” хотирлашга чақириқ

31 Август 2015

Мўътабар Тожибоева: Андижон қирғинидан беш йил ўтиб

Би-би-си меҳмони - Мўътабар Тожибоева

Бошқа мавзулар >

Sahifa xaritasi

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas [Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir](#)